

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



## «АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ҲАР КҮНИНИҒИЗ НАВРҮЗ БҮЛСИН!»

вилоятимизда яқинлашиб келаётган умумхалқ байрамига мана шундай эзгу ғоя остида катта тайёргарлик кўрилмоқда

Донишмандлардан бири: "Киш фаслини жуда ёқтираман, чунки унинг ортида умид бор, Наврӯз бор!" деган экан. Дарҳақиқат, бу умидли дунёда янгилиниш ва яшариш фаслини соғинмайдиган, тирикликнинг мунаввар лаҳзаларини етаклаб келаётган Наврӯзи оламни орзиқиб кутмайдиган ким бор? Минг шукрки, яна шундай фараҳбахш дамлар остонасидамиз. Бугун кишининг энг сўнгги куни ортда қолапти.

Атрофга бир қаранг: табиат уйғонмоқда, баҳор ҳавосидан қалбларга тароват, илиқлик югурмоқда. Янгилиниш, яшариш фасли бошланапти. Шоир: "Ҳар баҳорда шу бўлар такорор", дея ёзгани каби ҳадемай юртимизда Наврӯз умумхалқ байрами кенг нишонланади.

Президентимизнинг ўтган ҳафтада эълон қилинган "2018 йилги Наврӯз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори бугун юртдошларимиз қалбидagi баҳорий ҳарорат, олам-олам сурур ва завққа айнаи ҳамоҳанг бўлди, десак янглишмаймиш. Негаки, мазкур Қарор халқимизга хос олижаноб фазилатлар, бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховат, мурувват, ободлик ва бунёдкорлик каби боқий қадриятларни янада ёрқинроқ тарғиб қилишга, байрам



тантаналарини бутун диёримиз бўйлаб халқ сайиллари тарзида нишонлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятли ва дилга яқиндир.

Мазкур Қарорга кўра, жойларда халқимизнинг ардоқли байрамида "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврӯз бўлсин!" деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-

маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирларига кенг ўрин берилмаётгани, ўтказилажак тантана ва маросимларда Наврӯз қадриятлари, унинг теран фалсафалари чуқур акс этишига алоҳида эътибор қаратилаётгани юртдошларимизни беҳад мамнун этаётгани айни ҳақиқат.

– Бу байрамнинг қадим тарихи, миллий қадриятла-

римиз билан боғлиқ жиҳатлари, маданий-маърифий ҳаётимизда тугган ўрни ниҳоятда бекиёс. – дейди филология фанлари номзоди, фольклоршуносо Омонулла Маъдаев. – Жуда кўп манбаларнинг шохидлик беришича, Наврӯзнинг тарихи қарийб 4 минг йилларга бориб тақалади. Турли даврларда Наврӯз байрамига у ё бу даражада аралашувлар

бўлган. Биз жуда яхши эслаймиз, Наврӯзга энг кўпол таъйик шўролар даври сиёсати билан боғлиқ, Собихиттифоқ даврида Наврӯзни байрам сифатида нишонлаш тақиқлаб қўйилган. Ҳатто, Наврӯз байрамини Навбахор байрамига алмаштириш керак, қабилдаги тақлифлар олға сурилганди...

Давоми 2-бетда

### Туризм

Хабарингиз бор, Президентимиз фармонида мувофиқ, шу йилнинг 10 февралидан 7 мамлакат – Индонезия, Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия, Исроил ва Япония фуқаролари учун визасиз режим тартиби кучга кирди. Қувонарлиси, ҳозир Малайзиядан ташриф буюрган 20 кишилик сайёҳлар гуруҳи юртимизда меҳмон. Улар пойтахт ва пойтахт вилоятидаги музейлар, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш баробарида вилоятимизнинг ўзига хос гўзал табиатию тоза, мусавфо ҳавосидан баҳраманд бўлаётган бўлсалар не ажаб?

## САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ



Tashkent Region for relax all four seasons

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, бу борада вилоятимиздаги ўзгаришлар ҳам айтгулик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 октябрдаги тегишли қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузурида туризмни ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Мақсад туризм индустриясини жадал ривожлантириш, бу борада иқтисодий ва ҳуқуқий муҳитни шакллантиришдир. Шунингдек, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, даромадлар манбаини кенгайтириш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, кўплаб сайёҳларни жалб қилиш ҳам департаментнинг асосий вазифаларидан бири. Қолаверса, соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганиб, тегишли тартибда бартараф этиш, вилоятимизга ташрифи қутилаётган сайёҳларга қулай шароит яратиш ҳам департамент зиммасига юклатилган.

– Вилоятимиз юксак иқтисодий салоҳият ва имкониятларга бой воҳа, – дейди вилоят туризмни ривожлантириш департаменти шўба мудири Зафар Авланов. – Ҳудудда сайёҳлар ташриф буюри-

ши мумкин бўлган 1 минг 52 та объект бўлиб, уларнинг 721 таси маданий мерос объектларидир. Бу дегани, вилоятимизда зиёрат туризмни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бор. Биз зиёрат туризмни ривожини янада яхшилаш мақсадида барча қадамжоларни ўрганиб ва 37 тасини таъмирлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқдик. Бундан ташқари, ҳудудда 17 та соғломлаштириш санаторийлари фаолият юритмоқда. Мухими, вилоятимизга келган сайёҳларнинг кўпи уларда ўз саломатлик масканларида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Жанубий Кореядан 2 мингга яқин фуқаро дам олган. Аслида бу кўрсаткич мақтанишга арзиймайди. Чунки, бизда, бундан яхшироқ натижага эришиш учун имконият, салоҳият, шарт-шароит ҳам етарли.

Давоми 2-бетда



Ўз мухбиримиз

### Давра суҳбати

Мамлакатимизда турли ёт ва зарарли ғоялар таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



## КЕЧИРИМЛИЛИК – БАҒРИКЕНГ ЭЛНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ўзбекистон миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейида бўлиб ўтган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

Вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, жиноят ишлари бўйича вилоят суди ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда Зангиота ва Тошкент туманларида яшаган, айни пайтда қидирувда бўлган диний-экстремистик оқим аъзоларининг оила вакиллари, тегишли бошқарма ва жамоат ташкилотлари ходимлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг вилоят ҳамда туман кенгашлари фаоллари, шунингдек, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик тамойилларига мувофиқ, адашиб турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолиб, ўзга юрт-

ларда юрган ватандошларимизни оиласи, ота-онаси бағрига қайтариш ҳақида фикр алмашилди.

Сир эмас, бугун дунё мамлакатларида дин ниқоби остида турли бузғунчиликлар содир этилмоқда. Шу маънода, соф Исломи дини маърифатини тарғиб қилишда давлат, жамоат ва диний ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Эеро, Президентимиз қайд этганидек, эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик йўлидаги бирлашиш Исломи динининг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилиб, одамлар дунёқарашида терроризм, экстремизм ва диний ақидапарастликка муросасиз курашни шакллантириш имконини беради.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

## ДЕПУТАТЛАР УЙМА-УЙ ЮРИШДИ

Янгийўллик Зулайҳо Абдукаримова аҳоли билан мулоқот олиб бораётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва ҳукумат мутасаддилари фаолиятдан миннатдор. Негаки, уларнинг амалий ёрдамида Зулайҳонинг фарзанди мактабгача таълим муассасасига жойлашди.

### Мулоқот

Унинг яна бир энг катта орзуси – ўз уйига эга бўлиш имконияти пайдо бўлди – З. Абдукаримова уй-жойга эҳтиёжмандлар рўйхатида киритилди.

– Тумандаги 450 дан ортиқ хонадонга бўлдиқ, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербоев. – Бунда, асосан, эътиборга муҳтож, ишсиз, кўп болали оилалар ва ёлғиз қариялар хонадонлари танлаб олинди, ўрганиди, мавжуд муаммо ва

камчиликларнинг аксар қисмини жойида ҳал этишга ҳаракат қилдик.

Бундай мулоқотлар жараёнида аҳоли фақат ўзини қийнаётган муаммоларни эмас, балки кўпчиликни ташвишлантираётган масалалар юзасидан ҳам муурожаат қилди. Унинг бир қисми соғлиқни сақлаш тизимига оид. Маълум қилинишича, туманда тор доирадаги шифокорлар етишмайди. Аҳолининг тез тиббий хизматдан кўнгли тўлмайди.

"Янгиобод" маҳалласида патронаж хизмати яхши йўлга қўйилмаган.

Янгийўлда ўтказилган мулоқот давомида бу каби муаммоларга ечим изланди. Шунингдек, 100 га яқин хонадонга газ баллонлар тарқатилди. Таъмирталаб "Чангтепа" ва "Ўзбекистон" кўчалари тез орада асфальтлашти айрилди.

Халқ вакиллариининг ҳудудларга чиқиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқотга киришиши натижасида кўплаб муаммоли масалалар кўтарилмоқда. Мухими, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Бу эса аҳолини депутатларга бўлган ишончини оширади.

Ўз мухбиримиз

## БУГУННИНГ ҲАРАКАТИ – ЭРТАНИНГ БАРАКАСИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Шаҳбоз агро барака" фермер хўжалиги жамоаси сай-ҳаракати билан бир пайтлар қаровисиз, ташландиқ бўлган ер бугун боғу бўстонга айланди.

### Баҳор нафаси



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

– Ерни олганимиздан сўнг уч минг тупдан ортиқ олма, беҳи ва олхўри каби мева кўчатларини экдик, – дейди мазкур фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Пирматов. – Бу жараён осон кечмади. Чунки, ер бизга берилган вақтда қамишзорлардан, паст-баландликлардан иборат эди.

Дарҳақиқат, мазкур хўжалик даласида бехато кўкарган кўчатларни кўриб, кўз қувонади. Айни кунларда боғда иш қизгин. Сабаби, дарахлар киш уйқусидан уйғонмасидан олдин уларнинг ортиқча шохларини кесиб, шакл бериш керак.

– Олмаларнинг ортиқча шохини қирқиб ташлашнинг фойдаси катта, –

дейди фермернинг отаси Абдутолиб Пирматов. – Хусусан, бу билан шохлар орасидан ҳаво ўтиши яхшиланади. Агар улар ўсиб кетиб, ҳаво айланиб турмаса, касалликлар кўпайиб кетади. Бундан ташқари, бу жараённинг ўз вақтида ва тўғри ташкил қилиниши мевалар катта-катта бўлишини, ҳосилдорлик ошишини таъминлайди. Шу сабабдан, шакл бериш жараёнини ҳеч қимга ишонмай, ўзим бажараман.

Боғдаги дарахларнинг таги аллақачон ағдарилиб, минерал ўғитлари бериб бўлинган. Оралиқ ерларга саримсоқлиёз, пиёз ва исмалоқ каби сабзавотлар экилган. Фермер боғда бўш жой

қолдирмоқчи эмас. Бошқача айтганда, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишни мақсад қилган.

– Юртимизда, хусусан, вилоятимизда ҳам кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этишга эътибор кучайган, – дейди Иброҳим Пирматов. – Берилган имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳаракатида. Кўшимча ер олиб, чорвачилик, қўвнчилик, паррандчилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига ҳам ҳисса қўшмоқчимиз. Албатта, бу орқали яна бир қанча янги иш ўринлари яратилади.

Зухриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири





### Коинотда... шифоҳона

Бирлашган Араб Амирликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги дунёда биринчи бўлиб коинотда Emirates Space Hospital шифоҳонасини қуришни режалаштирмоқда. Ушбу лойиҳа БАА миллий космик дастурига киритилган.



Фазогирларга коинотда тиббий хизматлар тақдим этилади, бироқ у Ердан нанотехнологиялар ёрдамида назорат қилинади, - дейди ушбу соҳа мутахассиси доктор Қулхум ал-Балуший. Унинг сўзларига кўра, лойиҳа БААнинг Марсда 2020 йилдаги миссияси бошланиши билан ишга туширилади. Унга, Emirates Space Hospital шифоҳонасининг нуқсаси Ер шароитида синовдан ўтказилади.

### Антиқа скутер

Франциянинг Archos компанияси томонидан Android тизимида ишловчи дунёдаги биринчи электр скутер тақдим этилди. Алюминийдан тайёрланган скутер "Citee Connect" деб номланди. У шахар кўчалари бўйлаб соатига 22-25 километр тезликда 2-2,5 километр қадар бўлган масофани босиб ўтиши мумкин, 13 килограмм оғирликка эга ва 100 килограммгача бўлган вазни кўтара олади. Қурилма қуввати 250 ватт бўлган двигателга эга.



Скутер зарбалар ва ёмон об-ҳаводан ҳимояланган мультимедия панели билан жиҳозланган бўлиб, унга смартфоннинг барча функциялари киритилган. Дисплей руль ўртасида жойлашади, унда тўрт ядроли процессор, 1 Гб. оператив хотира, 8 Гб. флеш-хотира бўлади. У Android Oreo асосида ишлайди. Бундан ташқари, 3G'ни қўллаб-қувватлаш функцияси назарда тутилган. Таъкидланганича, Archos скутери Google Maps билан Ҳамоҳанг ишлайди. Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

### Эълон

**Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2014 йил 18 ноябрда (реестр рақами № 142/2111) рўйхатдан ўтган "ROSS-GREEN-TEX" (ИНН 300555661) масъулияти чекланган жамияти ихтиёр тугатилади.**

**Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб, 2 (икки) ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Оққўрғон тумани, А. Навоий кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (0-370) 552-14-07 Рискүлов Чинпўлат.**

### Ижтимоий эълонлар

**Вазирлар Маҳкамасининг «Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек, уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинмаган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қароридан қисқартирма маълумотнома.**  
(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси  
Банд шахсларнинг келажақдаги ижтимоий ҳимояси тўғрисида  
Банд шахслар тоифалари:  
- чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс;  
- якка тартибдаги тadbиркор;  
- якка тартибдаги тadbиркор томонидан ёлланган ходимлар (3 нафаргача);  
- оилавий тadbиркорлик субъекти ва унинг оиласи аъзоси;  
- деҳқон хўжалиги бошлиғи ва аъзоси;  
- шахсий томорқада қорамол, ўсимлик-шunosлик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулот-

лари етиштириш билан банд шахслар.  
Сугурта бадалларини тўлаш тартиби:  
Ихтиёрий равишда:  
- чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс;  
- деҳқон хўжалиги аъзоси;  
- шахсий томорқада қорамол, ўсимлик-шunosлик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари етиштириш билан банд шахслар.  
Сугурта бадаллари тўлаш учун талаб қилинади:  
- ИНН маълумотномаси;  
- фуқаро доимий яшаш манзили бўйича Давлат солиқ хизмати органига мурожаат этади.

Банд шахсларга пенсия тайинлашда ҳисобга олинмаган бир ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш формуласи:

$$\frac{\text{ЭКИХ} \cdot 100}{(\text{ЯИТ} + \text{СБ})} = \text{Бир ойлик иш ҳақи}$$

Бунда,  
ЭКИХ - энг кам ойлик иш ҳақи миқдори;  
ЯИТ - микрофирма, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун белгиланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси;  
СБ - суғурта бадаллари ставкаси.  
Мисол учун:  
Якка тартибдаги тadbиркор ҳар ойда 172240 сўм (энг кам ойлик иш ҳақи миқдори) тўлаган тақдирда, пенсия тайинлаш учун ҳисобга олинмаган бир ойлик иш ҳақи миқдори қуйидагича бўлади:  
 $172240 / 23 (15 \% \text{ ЯИТ ставкаси} + 8 \% \text{ суғурта бадаллари ставкаси}) \cdot 100 = 748\,869,56 \text{ сўм}$   
Демак: якка тартибдаги тadbиркор энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида Пенсия жамғармасига суғурта бадал тўласа, пенсия ҳисоблашда тўлаган 172240 сўми, 748869,56 сўм миқдорига ойлик ҳисобга олинади.  
Фаолият тури, мулк ва хўжалик юриштиш шаклларида қатъи назар, ҳар қандай иш Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш шартини билан иш стажига қўшиб ҳисобланади.

(Етарли) иш стажига эга бўлмаган фуқаролар давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

### Эслатма\*

Пенсия тайинлаш учун талаб қилинган иш стажини:  
Эркаларга 60 ёшда - камида 25 йил,  
Аёлларга 55 (54) ёшда - камида 20 йил;  
Иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия тайинлаш учун талаб этилган иш стажини - камида 7 йил.  
Пенсия миқдорига таъсир этувчи омиллар:  
- суғурта бадаллари тўланган даврнинг давомийлиги;  
- тўланган суғурта бадаллари суммаси.  
Оилавий тadbиркорлик субъекти, деҳқон хўжалиги бошлиғи ва аъзоси, шахсий томорқада қорамол етиштирувчилар ва чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсларнинг Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартиби ҳамда уларнинг келажақдаги ижтимоий таъминоти масалалари бўйича 1140 ахборот телефони мурожаат этишингиз мумкин.  
Эслатиб ўтаемиз, ахборот телефони Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона рақам ҳисобланади ва унга қўнғироқни амалга ошириш тўғридан-тўғри 1140 ни териш орқали (вилотат ёки шахар телефони кодларисиз) амалга оширилади.  
Маълумот учун: [www.pfrg.uz](http://www.pfrg.uz)

### Тўланадиган суғурта бадаллари миқдори ва муддатлари:

Шахс	Тўлов миқдори	Тўлов даври
Якка тартибдаги тadbиркор, оилавий тadbиркорлик субъекти	Энг кам иш ҳақининг камида бир баробари	Ҳар ойда
Якка тартибдаги тadbиркор томонидан ёлланган ходимлар (3 нафаргача), оилавий тadbиркорлик субъекти оиласи аъзолари	Энг кам иш ҳақининг 50 фоизи	Ҳар ойда
Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс	Энг кам иш ҳақининг камида бир баробари	Ҳар ойда, чоракда ёки келгандан сўнг 3 ой ичида
Деҳқон хўжалиги бошлиғи	Энг кам иш ҳақининг камида 4,5 баробари	Ҳар йили 1 октябрга қадар
Қорамол, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари етиштирувчи		

### Диққат! Диққат! Диққат!

#### Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шартини билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига тақлиф этади. Танлов савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект негизда ташкил этиладиган фаолият йўналиши	Инвестиция киритиш муддати (йил)	Янги ташкил қилинадиган энг кам ишчи ўринлар сони
1	Қурувчилар клубининг фойдаланилмаётган биноси	Олмалик шаҳри, Интизор кўчаси, 9-уй	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	1 000,0		2	20

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.  
Танловда голиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектнинг мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолабди, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов голиб томонидан қопланади.  
Инвестиция киритиш шартини билан "ноль" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино-иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлиши лозим.  
Танлов савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорларнинг тақлифлари билдирилган конвертлар 2018 йил 4 апрель куни, соат 9.00 да Тошкент вилоти ҳокимлиги биносининг 1-қаватидаги залда очилади.  
Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган тақлифларни олиш 2018 йил 30 март 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санадан камида икки иш куни олдин тўхтатилади.  
Танлов савдоси ушбу кун бўлиб ўтмаса, такрорий савдолар ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 9.00 да бўлиб ўтади.  
Танлов шартномаси ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42-уйда жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилоти ҳудудий бошқармаси.  
Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки қаватли юридик шахслар учун - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;  
- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;  
- бизнес-режа муҳрланган конвертда, шунингдек, танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов тақлифлари (тақлиф қилинган сотиб олиш тўловлари суммаси ва уни тўлаш муддатлари, тақлиф қилинаётган инвестиция мажбуриятлари суммаси, унинг шакли, муддати ва киритиш шартини).

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.  
Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42-уй.  
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70. Факс: (0-371) 230-41-80.  
Интернет тармоғидаги веб-сайт: [www.gki.uz](http://www.gki.uz), [www.gktorg.uz](http://www.gktorg.uz), [www.tashvil.gov.uz](http://www.tashvil.gov.uz)  
Хурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилоти рақобат бошқармасининг (0-371) 230-41-75 рақамли Ишонч телефонларига, шунингдек, Тошкент вилоти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

### Савдоларга марҳамат қилинг!

### Диққат! Диққат! Диққат!

#### Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилоти ҳудудий бошқармаси Давлат кўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри музокара (оферта) йўли билан сотиш савдоларига тақлиф этади.

№	Давлат объекти номи	Бинонинг умумий майдони (кв.м.)	Умумий ер майдони (га)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Босқич-босқич пасайтириш механизми қўлланиладиган фоиз	Савдо куни 2018 йил 27 март соат 11.00 да
1	Собик Янгиобод болалар боғчаси бино-иншоотлари	473,24	0,4	Ангрен шаҳри, Янгиобод ҚФЙ ҳудуди	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1 030 790 000,0	50%	515 395 000,0
2	Марказий шифоҳонанинг онкология бўлими биноси	1248,05	0,51	Ангрен шаҳри, Дукент кўрғони, Унгтувчилар кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1 142 935 000,0	50%	571 467 500,0
3	Собик техникум биноси	1451,85	1,8425	Чирчиқ шаҳри, (Оққўрғон) Заковат кўчаси, 2-уй	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	7 363 390 000,0	50%	3 681 695 000,0
4	"Шарк" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши	—	—	Қўнғир тумани, Май ҚФЙ, Дўстлик кўрғони	"Шарк" МЧЖ	4 205 157 000,0	50%	2 102 578 500,0
5	Қозонхона бино-иншоотлари	800,12	0,08	Бекобод шаҳри, Сановат ҳудуди	Бекобод шаҳри "Иссиқлик манбаи"	374 462 000,0	50%	187 231 000,0
6	Собик болалар боғчаси бино-иншоотлари	428,75	0,270	Оққўрғон тумани, Оққўрғон мас-сини, Дўстлик ҚФЙ, 6-бўлим	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	181 000 000,0	50%	90 500 000,0
7	"Ору" болалар дам олиш маскани бино-иншоотлари	2277,4	4,500	Оқангарон тумани, Айрисой кўрғони	Оқангарон тумани ҳокимлиги	2 470 781 000,0	50%	1 235 390 500,0
8	"Бурчмулло заргарлик заводи"нинг фаолият кўрсатмаётган мулкий мажмуаси	4801,69	2,2	Бўстонлик тумани, Бурчмулло ҚФЙ	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	6 635 818 000,0	50%	3 317 909 000,0
9	Диспансер бино-иншоотлари	2534,98	2,127	Бўстонлик тумани, Ҳазалкент шаҳри, Оққўрғон кўчаси	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	2 907 315 000,0	50%	1 453 657 500,0
10	Собик "Давлатовул" ФАП биноси	141,6	0,014	Бўқа тумани, Туркистон ҚФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	85 580 000,0	50%	42 790 000,0
11	31-сонли дўкон биноси	162,45	0,016	Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темур фў	"Тошвилоттаъминотсавдо" ДУК	62 871 000,0	50%	31 435 500,0
12	Чойхона биноси	173,72	0,017	Бўқа тумани, Ҳамза кўчаси	"Бўқа бош пиллаҳонаси" МЧЖ	58 388 000,0	50%	29 194 000,0
13	"Chirchiq Universal Plus" ДУК	—	—	Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй	"Chirchiq Universal Plus" ДУК	5 910 400,0	50%	2 955 200,0
14	"Бўстонлик таъминот савдо" давлат унитар корхонаси	1735,96	0,3563	Бўстонлик тумани, Ҳазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй	"Бўстонлик таъминот савдо" давлат унитар корхонаси	1 286 475 000,0	50%	643 237 500,0
15	Собик 23-сонли мактаб бино-иншоотлари	819,88	0,49	Бўқа тумани, Қашқадар фў ҳудуди	Бўқа тумани ҳокимлиги	526 652 665,0	50%	263 326 332,5
16	Нон заводининг биноси	1365,28	0,4847	Бўстонлик тумани, Ҳазалкент шаҳри	"Бўстонлик таъминот савдо" давлат унитар корхонаси	2 367 860 000,0	50%	1 183 930 000,0
17	Собик болалар боғчаси бино-иншоотлари	711,48	0,24	Куйи Чирчиқ тумани, Истиклол ҚФЙ, Беруний ФХУ, Нурбой ота киншлоги	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	849 906 000,0	50%	424 953 000,0
18	3-сонли тералик бўлими бино-иншоотлари	2983,52	3,3101	Куйи Чирчиқ тумани, Беруний массиви	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1 258 074 000,0	50%	629 037 000,0

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:  
Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.  
Талабгорлар давлат активи сотиш нархининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реқвизитларига соҳлангич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилоти ҳудудий бошқармасининг газначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002, ИНН 200555539;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҚКМ х/р: 23402000300100001010, ИНН 201122919, МФО 00014.  
Оммавий оферта савдоларида қатна-

шишга буюртманома қабул қилиш, билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб ва билдиришномада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.  
\* - Оммавий оферта савдолари ўтказилишнинг дастлабки куни 2018 йил 27 март ва офертанинг ҳар 15 кунда бир марта ба даврийликда бўлиб ўтадиган саналари 2018 йилнинг 12 апрель, 27 апрель, 14 май, 29 май, 14 июнь, 29 июнь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Оммавий офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани тақдим этади:  
1. а) Юридик шахслар учун - давлат рўйхатинда ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишонч-

### Савдоларга марҳамат қилинг!

### Сайёҳлар учун ташриф қоғози БУЮК АЖДОДЛАР ЁҒДУСИ

Вилоят худудида 500 га яқин маданий ёдгорлик объектлари мавжуд. Улар орасида буюк инсонлар номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар ҳам борки, улар бизнинг маънавий меросимиздир.

Шулардан бири – Оҳангарон туманидаги Шоабду-маликота мажмуасидаги қайта тиклаш ишлари якунланди. Зийратчилар ва сайёҳларга қулайликлар яратишга қаратилган ободонлаштириш ишлари давом этаётди. Лойиҳа муаллифи – меъмор ва рассом Муҳаммад Фозилий. Иш лойиҳасини "Архдизайн" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиққан.

Бекобод туманидаги Бузрукбобо муқаддас қадамжосида ҳам қайта қуриш ишлари бажарилди. Мавзолей битказилиб, бадий безаклар берилди.

Бўстонлик туманидаги муқаддас қадамжоси – Шайх Умар Валий мажмуасини қайта тиклашга ҳам киришилган. Бу ерда "Устоз ҳамкор" масъулияти чекланган жамияти бош пудратчи сифатида иш юротади.

Шайх Умар Валий мажмуаси бугунги кунда энг йирик объект бўлиб, қарийб уч гектар майдонда бунёд этилмоқда. Мажмуа масжид, минора, шийпонча, савдо-хунармандчилик расгалари, санитария объект-

лари ва 50 ўринли меҳмонхонани ўз ичига олади. Дарвоқе, Шайх Умар Валий боғи ҳам тўлалигича сақлаб қолинади.

Булар хали ҳаммаси эмас. Яна 7 та лойиҳа ўз ижросини кутмоқда. Булар Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Қибрай ва Паркент туманларидаги Фавсулаъзам, Увакота, Аҳтам саҳоба, Усмонота, Парпиота, Қиличлиота, Буҳонгарота муқаддас қадамжоларидир.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳалаштириш, қуриш, ободонлаштириш билан боғлиқ ҳамма ишлар хайр-эхсон маблағлари ҳисобига бажарилмоқда.

Юқорида тилга олинган маданий мерос объектларининг ҳаммаси вилоятда туризмни ривожлантириш дастурига киритилган. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши туманларимиз киёфасини ўзгартириб, маънавий дунёмизга янада ёруғлик олиб киради.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**  
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи

### Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт



## ШИЖОАТ ВА МАТОНАТ КЎРИГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, мудофаага қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташкилот марказий кенгаши томонидан ёшларни оммавий спортга жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида "Биз чемпион" шiori остида "Мега спорт" мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

"Мега спорт" мусобақасининг Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган вилоят босқичида олий ўқув юртлири жамоалари тўсиқлар орасидан ҳаракатланиш, девор, махсус тўсиқлар, туннелдан ўтиш, ўқ отиш ва югуриш каби жисмоний тайёргарликка асосланган машулотлар бўйича ўзаро куч синашди. Мусобақа якунига кўра, Чирчиқ давлат педагогика

институту талабалари голиб чиқди. Иккинчи ўринни Исом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали ёшлари кўлга киритди. Тошкент давлат аграр университети жамоаси эса кучли учликдан жой олди. Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар совгалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз



Кобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар

Реклама

### «Бекобод АТС» МЧЖ

корхонасида мавжуд 12 та KING LONG русумли автобуслар салонини кузатув камералари билан жиҳозлаш режалаштирилган. Ушбу йўналишда ўз хизматларини тахлиф қилмоқчи бўлган ташкилотлар куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Меъмор кўчаси, 266-уй.  
Тел./факс: (0 370) 214-10-01, (+99890) 315-22-90.  
E.mail: bekobod.ats@mail.ru



## «БАҲОР – ҚЎШИҚ, ТАВАЛЛУД ФАСЛИ...»

Яна бугун баҳорга зорман, Ўз баҳорим каби шоҳқалок, Яна бугун баҳорга зорман, Кутавериб дил бўлди қадоқ. Ушбу шеър муаллифи кўклами қанчалар интиқ кутганини, тошқин туйғуларга лиммо-лим қалби баҳорга нақадар мафтунлигини илк сатрларданок яққол англаш мумкин. Чучук тилли жилғалар кўшиғи, майсалар рақси, шаббодалар шивири, ёмғир-

лар шитири, лолалар гулхонию олчалар алангаси, хуллас, баҳорнинг бор чиройи Зулфияхоним шеъриятида бўртқи ифода топган. Юқоридики сатрлар давомидаги "Баҳор – кўшиқ, таваллуд фасли", дея бошланувчи мисрада шоира ҳамалнинг биринчи кунда дунёга келганига ишора бордек.

Ҳа, Зулфияхоним кўклами ҳамиша ўзгача меҳр билан куйлаб яшади. Кексалик бош-

фийсига айланди. Нафақат шоира, балки чинакам зиёли инсон, меҳрибон устоз, дарёдил раҳбар, садоқатли ёр, мўътабар она сифатида ҳам элимизнинг эъзозига муносиб яшади.

Зулфияхоним халқимизнинг ардоқли фарзанди бўлиб дунё кездди. Неча минг йиллик санъат бешиғи саналган Ҳинд диёри, Осиё давлатлари, Африка мамлакатлари ижод аҳли Зулфия сий-

ҳар жиҳатдан ибрат сифатида ҳам Зулфияхонимни кўрсатамиз. Шоира шу тарика халқимизнинг жон-жонига сингиб кетгани қанчалар буюк бахт!

Бугун пойтахтимиздаги Миллий боғ бағрида қад ростлаган Адидлар хиёбонини кезсангиз, не-не улуг ижодкорлар қаторида Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимга ҳам юксак эҳтиром кўрсатилганини кўриб, кўнглингиз ёруғ тортади. Эртага – баҳорнинг илк тонгида ушбу манзил шеърят шайдолари, Зулфияхоним издошлари, ижодкор зиёлилар билан яна гавжум бўлади. Шоира пойи-га гуллар куйилади, Зулфия ёзганидек: "Жўшқин мушоира этади давом!" Шунингдек, Жиззах шаҳрида бунёд этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним номидаги ижод мактабиди

### Эҳтиром

адабиёт муҳибларига яратилган шайроларни кузатиб, навқирон ўғил-қизлар – чинакам истеъдодлар оташин шеърлар ўқийётганини тинглаб, эртанги нурафшон истикбол аниқ-тиниқ кўз ўнгингизда намоён бўлади. Шундай фараҳли кунларни орзулаб, адабиёт бўстони янада гуллаб-яшнашини кўзлаб Зулфияхоним: "Бу боғлар бир боғлар бўлади хали" дея ёзган эди. Нафақат замин боғларию шеърят чамани, балки бутун коинот гулга бурканишини истаган шоира халқимиз қалбиди тоабод эҳтиром гулчамбарига кўмилиб яшайди.

Шундай гўзал баҳорнинг гули, Шундай гўзал биз ўсган ҳаёт. Гул тутайди хур инсон қўли, Гулга тўлган бутун коинот!  
**Шоира БОЗОРОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

### Бу воқеа бундан анча йиллар аввал Кибрайда бўлиб ўтганди.

Раҳима ая икки ўғил, бир қизи билан бева қолди. У сабр-қаноат билан машаққатли кунларни өнгди. Ҳалол меҳнат қилиб, фарзандларини вояга етказди. Емай едирди, киймай кийдирди, хуллас, болалар бировдан кам бўлмай, катта бўлишди. Уларнинг бари олий маълумотли, давлат идораларида иш-

ширидан-шакар набира-си бор. Тунов куни кенга-жини уйлантирди. Икки келин хизматда, ая ҳам уларнинг ёмонини яши-риб, яхисини ошириб, бор меҳрини аямайди. Бу оиладан кўпчилик ибрат олаётгани ҳам бор гап.

– Йўғ-е, ойижон...  
– Жим бўлинг, гап қайтарманг! – қайнона келиннинг жавобини эшитмади ҳам.  
– Ойи, бир оз ўтириб, кўнгли ёзиб кела қолсин.  
– Бормасин дедимми, бораверсин. Эр-хотин ими-жимиди маслаҳат

олишмайди. Болаларча эркалигини ялқов ва иш билмасликка, ёшларга хос жиззакалигини бетгачопарликка йўйишади.

Ҳақиқатан ҳам, билиб-билмай келинига озор берадиган, унга хизматкордек муносабатда бўладиган қайноналар, энг ёмони ўғли оила қурганини "ҳазм қила олмайди-ган" оналар ҳам йўқ эмас орамизда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади? Нега шундай? Ахир, келин ҳам бировнинг фарзанди. Уни кўз қорачигидай асраб-авайлаб катта қилган ота-она қизи борган жойида "тошдай қотишини" истаиди, албатта.

Мана шу каби саволларга жавоб топиш, шунингдек, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада қайноналар кенгаши тузилган. Кенгаш ҳафтаинг ҳар чоршанбасида йиғилиши ўтказилади.

– Йиғилишда муаммоси бор, қайнона ва келин муроса қилолмаётган оилалар билан суҳбат ўтказамиз, – дейди "Нурафшон" маҳалласи қайноналар кенгаши раиси Мухаррам Раҳмонова. – Бунда, аввало, ҳар икки томон тингланади, уларга мутахассислар ўз тавсияларини берадилар. Эйтиборлиси, кенгаш аъзолари орасида психолог ҳам бор. Бу эса муаммонини ҳал этишда муҳим аҳамиёт касб этади. Буни "Санъат" кўчасида яшовчи Аҳмедовлар оиласидаги қайнона-келин можароси, "Темирйўли" кўчасида истиқомат қиладиган Фердибевлар хонадониди қайсингил ва келин ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўйлашимизча, кенгашга "Қайноналар кенгаши" номи берилиши бежиз эмас. Негаки, қайноналар, аввало, она. Қолаверса, кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга аёл. Демак, оила тинч-товулиги нафақат ёшлар, балки қайноналаримизга ҳам боғлиқ.

**Ирода НОРОБОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

## «ҚАЙНОНАЛАР КЕНГАШИ»ДА НИМА ГАП?

Ёхуд маслаҳатли тўй тарқамас



қиласанлар-да, бу ҳўжа-кўрсинга рухсат сўрайди. – Уф, ойи, – хонадан чиқиб кетди Ботир. Унинг ортидан хотини эргашди.

– Сени не ҳасратда катта қилгандим-а, бегона келгач, она ёмон отлик бўларкан, ўлсам қутула-санлар, – йиғи-сиги қилди она.

Иш шу даражага етдики, келин кўч-кўронини олиб, онасининг уйига кетиб қолди.

Бўлиб ўтган гап-сўзлардан хабар топган маҳалла раиси, маслаҳатчи-ю, фаоллар қараб туришмади. Яраштирув комиссияси ишни чуқур ўрганди, масалага ойдинлик киритди. Улар оиланинг барбод бўлишига йўл қўймадилар. Ҳар икки томонни муросага келтиришди. Ҳозир Раҳима аянинг

### «Файзибоб» табассуми...

Кўлоққа чалинган гаплар

– Нега қарияга турмушга чиқаяпсан?  
– Ёшларнинг хиёнатини кечира олмайман...

(Дугоналар суҳбатидан)

Сизнинг чорак соатлик севгингизни бошқаларнинг ярим йиллик муҳаббатига алишмайман.

(Телеграммда ёзилган дил изҳори)

Вой, уйинг болага тўлгур неварам тушмагур-ей! Икки хотиннинг устига ўйнаш ҳам орттирибди-я!..

(Кампирнинг кўшни кампирга ҳасрати)

Таъмирталаб парашютни ногиронлар аравачасига алмашаман...

(Эълондан)

Замонавий аёлларнинг 8 фоизи гўзаллигини табиатдан, 92 фоизи эса косметикадан ахтарди.

(Журналдан)

– ... Охири кеча эримга: "Мен сизнинг энг яқин дўстингиз, сирдошингиз бўлман", деб айтдим.

– Хўш, кейинчи?..  
– Шундай дейишимни биламан, ёнимга яқинроқ ўтириб, ҳаётдан нолий кетди...

(Автобусадаги суҳбатдан)

Чорвачиликда қоқоқликка тушиб қолаганимизнинг асосий сабаби қисир сигирларнинг масъулиятсизлигидир...

(Маърузадан)

– Ўртоқ, хотининг билан ярашиб олдингми?  
– Интернетда "лайк"лашиб туриб-мизу, атак хали гаплашмадик...

(Уфатлар суҳбатидан) Дилшод БОЛТАБОВ

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 28 февраль кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-8, кундузи 16-18 даража илик бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-9, кундузи 15-20, айрим жойларда 22 даражагача илик бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илик бўлади.

<b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> <b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b> Муассис: <b>Тошкент вилояти ҳокимлиги</b>	Бош муҳаррир <b>Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</b>	Маънавийлик: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@uamail.uz	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-12-83 233-38-23, 233-48-08 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир <b>Сайёра РИХСИЕВА</b> Назоратчи мусаҳҳих <b>Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА</b> Саҳифаловчи <b>Тоҳир МАҲМУДХЎҲАЕВ</b>
--	--	--	---	---	---	--